Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент архитектура – қурилиш институти

Муҳандислик – қурилиш инфраструктураси факультети

“Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари технологияси” кафедраси

# Диплом лойиҳаси

Лойиҳанинг мавзуси Кўшимчалар билан темир-бетон босимсиз қувурлар ишлаб чиқариш Умумий маҳсулдорлиги 36 минг м³

Талабанинг Ф.И.Ш. Жўраев Азамат Хасанович

Кафедра мудири — Н. Махмудова

Раҳбар — Асқаров Б.

Маслаҳатчилар — Х. Акрамов, Х. Нуритдинов, Н. Махмудова, Х. Азимов

Тошкент – 2011

Кириш.

Бугунги даврда мамлакатимизда маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, ҳалқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоялар ҳамда мафкуралар таъсиридан сақлаш, химоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Маънавиятни шакллантиришда бевосита таъсир ўтказадиган яна бир тури хаётий омил бу - таълим тизимидир. Таълим тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди.

Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб қувватлаш бўйича биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, мустахкам хамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутади.

Мустақиллигимизнинг 19 йили давомида демократик жамият ва бозор иқтисодиётини барпо этишга йўналтирилган босқичма-босқич ислоҳотлар сиёсати Ўзбекистон аҳолиси фаровонлигини яхшиланишда ўзгаришларга олиб келди. Шунингдек ёш Республика жаҳон хамжамияти томонидан тан олиниб, унда ўз мавқеига эга бўлади. Бунда фаол инвестицион сиёсат юритиш ва мавжуд барча маънавий интеллектуал ва бошқа ресурсларни импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган, хом ашёларни қайта ишлашни назарда тутувчи ишлаб чиқаришни яратишга йўналтириш катта рол ўйнайди. Иқтисодий асосланган инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларига ташқи сармояларни ва кредитларни жалб этиш, бугунги кунда халқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш борасида белгилаб олинган

маҳсулотларга ёритилишининг энг муҳим
ва устувор вазифаси сифатида
қаралмоқда.
Республика халқ хўжалигининг
асосий тармоқлари қаторида
қурилиш материаллар саноати
етакчи рол ўйнайди. Бу ўз
хом ашё базасига эга эканлиги-
миз қурилиш материалларига
бўлган юқори эҳтиёж ҳамда
малакали мутахассисларнинг
мавжудлиги билан белгиланади.
Бетон ва темир - бетон асосий
қурилиш материаллари ҳисобланади.
Уларни ишлаб чиқаришни
кун сайин ўсиб бормоқда.
капитал ва уй-жой қурилишдаги
асосий масала бу - йиғма темир-
бетон конструкцияларни такомиллаш-
тириш, сифатида яхшилаш
ҳамда илмий техник ютуқларни
қурилишда қўллаш
Бу масалаларни ҳал қилишда
бетон технологиясини такомиллаш-
тириш учун хоссаларини
яхшилаш янги самарадорлиги
юқори бўлган бетонларни тайёр-
лаш ва татбиқ этиш асосан.

енгил, юқори мустаҳкамликка эга бўлган, хилма бўшлиқли бетонлар олиш маҳсулоти сифатини ошириш малакали кадрлар тайёрлаш, уларни бетоншунослик асослари, темир-бетон конструкцияларнинг ишлаб чиқариш ҳақида технологик ҳисоблар асослари билан чуқур таништириш катта аҳамият касб этади.

Йиғма темир-бетонни ривожланишига цемент металлургия, машинасозлик саноатларини ривожланишини сабаб бўлди, ҳамда унинг технологиясини ривожланишини, цемент ва бетонлар ҳақидаги фанга мустаҳкам илмий асосланган.

Ҳозирги вақтда Республикамизда темир-бетон конструкциялари ғовак тўлдирувчилар асосидаги енгил бетонлардан тайёрлаш талаб қилинади, масалан армоцемент конструкциялари ғовак (ячейкали) ва газобетон. Булар маълум миқдорда конструкцияларни енгиллаштириш масалаларини ҳал қилмоқда.

Конструкцияларни кўндаланг кесими

камайтишига олиб келади. Сейсмик кучлар таъсирида бўлган енгиллаштириш конструкциялар алоҳида аҳамиятга эга, улар маълум миқдорда динамик кучларини сўндиради. Йиғма темир-бетон Ўзбекистонда кенг қўлланилади. Унинг умумий ҳажми ҳозирги вақтда 1970 йилга нисбатан 2,5 баробар ошган (йилига 16,6 %. ошиган) масалан. 1960-1970 йилларда умумий қуввати йилига 3 млн м3 йиғма темир-бетон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва ривожланишини Республика бизни маҳсулотларга бўлган талабини қондирολмайди. Ҳозирги вақтда Республикамизда темир-бетон конструкцияларини ғовак тўлдирувчилар асосидан енгил бетонлардан тайёрлаш талаб қилинади, масалан, арматурасиз конструкцияларни ғовак (ячейкали) ва газобетон. Булар маълум миқдорда конструкцияларни енгиллаштириш масалаларини ҳал қилинадо. Конструкцияларни енгиллаштириш (масалаларини) арматура ва кичик

миқдорини текислашга, конструкцияларни юқоридаги нисбатни камайтишга олиб келади. Сейсмик кучлар таъсирида бўлган ёпишлаштирилган конструкциялар алоҳида аҳамиятга эга, улар маълум миқдорда динамик кучларни сўндиради.

Ҳозирги замон қурилишида монолит бетон ҳам кенг қўлланилади. Монолит бетон ва темир-бетон универсал ва мураккаб бўлиб, замонавий қурилишнинг асосий материаллари ҳисобланади.

Йиғма-темир-бетон ишлаб чиқариш ҳажми монолит бетонга нисбатан ошиб борди: 1960 йили - 33%, 1970 йили - 43%, 1980 йили - 51%, 1990 йили 53% ни ташкил этди. Ҳозирги вақтда бу нисбат такомиллашган саноатлашда ошириш учун ишларни бажаришга индустриал усулда ёндашиш. Юқори унумли машиналар қўллаш комплекс механизациялаш даражасини ошириш керак. Кейинги ишларда бетон ишларини бажаришнинг ташкил босқичлари, бетон қоришмаларнинг

Тажрибани ташлашдан тартиб мажмуи конструкциялар сифатини назорат қилишгача мукаммаллаштирилган.

Бетон ва темир-бетон асосий қурилиш материаллари ҳисобланади. Уларни ишлаб чиқариш кун сайин ўсиб бормоқда.

Капитал ва уй-жой қурилишдаги асосий масала бу йиғма темир-бетон конструкцияларни ишлаб чиқариш ва қўллашни такомиллаштириш сифатини яхшилаш ҳамда илмий техника ютуқларини қурилишда қўллаш. Бу масалаларни ҳал қилишда бетон технологиясини такомиллаштириш, самарадорлиги юқори бўлган бетонларни тайёрлаш ва тадбиқ этиш асосан енгил, юқори мустаҳкамликка эга бўлган хилма қўшимчали бетонлар олиш маҳсулотни сифатини ошириш, кадрлар тайёрлаш, уларни бетоншунослик асослари темир-бетон конструкцияларнинг ишлаб чиқариш ҳамда технологик ҳисоблар асослари билан чуқур таништириш катта аҳамият касб этади.

## 1. Маҳсулот номенклатураси

Ишлаб чиқаришда қабул қилинган буюмнинг асосий характеристикаси.

| Буюм маркировкаси | Буюм эскизи | Габарит диаметрлари, мм | | | 1та буюм учун бетон сарфи, $м^3$ | 1та буюм учун пўлат арматура сарфи, кг. | 1 $м^3$ бетон учун пўлат арматура сарфи $кг/м^3$ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | L | B | H | | | |
| Темир-бетон босимсиз қувур. |  | 5780 | 180 | 1000 | 1,90 | 152,70 | 80,36 |

## 2. Ишлаб чиқариш усулини танлаш ва уларни асослаш.

Йиғма темир-бетон буюмларни ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнлар қатор мустақил операциялардан ташкил топиб, алоҳида жараёнларга бирлашади. Операциялар шартли равишда; асосий, ёрдамчи ва транспорт турларига бўлинади.

Асосий операциялар бетон қоришмасининг тайёрланиши ва қоришмани ташкил қилуви

материалларни тайёрлаш; арматура маҳсулотлари ва тайёр қолипларнинг тайёрланиши, маҳсулотни арматуралаш ва қолиплаш, қолипланган маҳсулотга иссиқлик билан ишлов бериш, тайёр маҳсулотни қолипдан кўчириш ва қолипларни кейинги ишга тайёрлаш бир маҳсулотларнинг юза қисмини пардозлашдан иборат.

Асосий технологик операциялардан ташқари ҳар бир босқичда ёрдамчи операциялар ҳам бажарилади: сув ва буғларнинг сиқилган ҳаво, электр энергиясининг олиниши ва узатилиши, хом ашё ва тайёр маҳсулотларнинг сақланиши, операциялар ва тайёр маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш ва бошқа асосий операцияларни бажариш учун зарур ишлар олиб борилади.

Асосий ва транспорт асбобларида кетма-кетликда бажариш учун мўлжалланган операциялар технологик тизим дейилади.

Маҳсулотларни кўпгина заводларда тайёрлашда технологик жараён уч асосий усул билан ташкил қилинади: агрегат-поток ва ярим конвейер, ҳамда даврий ва тўхтовсиз ҳаракатланадиган конвейер усулларида.

Ушбу диплом лойиҳада темир бетон босимсиз қувурлар ишлаб чиқариш учун агрегат поток усули қўлланилган.

Агрегат поток усули билан ишлаб чиқаришда вибрация майдонида ёки махсус ўрнатилган мосламалар агрегатлар яъни қолиплаш машинаси, бетон ётқизгич ва қолиплаш постига жойлаштириш учун қўлланиладиган машиналардан иборат агрегатларда қолипланади.

Бу усулда қолипдаги маҳсулот поток бўйича сурилганда ҳар бир ишчи постда тўхташ зарурати бўлмай маҳсулот ишлаб чиқаришда зарур бўлган постлардагина тўхтайди.

Бундай ҳолатда тўхташ муддати ҳар бир постда турлича бўлиши мумкин. Тўхташ муддати бажарилиши керак бўлган технологик операцияга сарфланадиган муддатга боғлиқдир. Бу турли постда турли технологик асбоб-ускуналар ўрнатиш бир йўла бир неча турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Агрегат-поток тизимида қолиплар вибромайдонга қолип тахловчи ёрдамида узатилади.

Технологик тизим таркибига: бетон қуювчи билан қолипловчи агрегат, арматурани механик чўзиш учун мосламалар тайёрлаш, қолип тахловчи, қотириш камераси, қолипдан кўчириш қисми, техник назорат, қолипларни тозалаш ва мойлаш пости, арматура заҳирасининг майдони, резерв қолиплар ва уларни доимий таъмирлаш ва тайёр маҳсулотни синаш стендлари киради.

Агрегат - поток технологияси юқори механизациялашганлик , технологик ва транспорт воситаларининг ўз вазифасини бажаришда манёвр-лиги , иссиқлик билан ишлов бериш тартиби билан фарқланади.

Технологик жараён асосан муайян иш постларида бажари-ладиган қуйидаги операция-лардан ташкил топган маҳсулот-ни, қолипдан бўшатиш ва кўриб чиқиш қолипларни йиғиш, қолипларни назорат ва мойлаш , арматура каркасини ётқизиш ёки зўриқ-тириб арматуралаш; қолиплаш постида бетон қоришмасини ётқизиш , тақсимлаш ва зичлаш , маҳсулотни камерага жойлаш , иссиқлик билан ишлов бериш ва уларни камерадан чиқариш.

Қолиплаш ва бўлаш цехи-нинг ишлаб чиқариш техноло-гик схемасини танлашда ишлаб чиқариладиган маҳсулот номенклатураси ва ишлаб

чиқариш ҳажмини ҳисобга олиш зарур.

Катта бўлмаган ишлаб чиқариш майдонида мураккаб бўлмаган асбоб-ускуна билан кам сарф билан қуриладиган агрегат усули тайёр маҳсулотни цехнинг 1 м³ ишлаб чиқариш майдонидан юқори ҳажмда олиш имконини беради. Бу усул асбоб-ускуналарни қайта ўрнатиш ва бир маҳсулотдан 2чи маҳсулотни ишлаб чиқаришга ортиқча сарф харажатсиз ўтиш имконини беради. Центрафугалаш босимли ва босимсиз трубаларни, электр-узатгич таянчларини, ёритиш алоқа; устунлар ва халқалари бошқа конструкцияларини тайёрлашда ишлатилади. Центрафугалаш усули билан қолиплашда ромли, ёхуд ўқли центрифугалар қўлланилади; қолиплар ечилмайдиган ва икки ярим қолипдан таркиб топган ечилувчи бўлади.

- Темир - йўл транспортидан материалларни тушириб олиш - 365 кун;
- суткада ишчи сменалар сони (иссиқлик ишловисиз) - 2;
- иссиқлик ишлови учун суткадаги ишлаш сменалари - 3;
- материалларни қабул қилиш ва тайёр тайёр маҳсулотларни юклашда суткада ишчи сменалар сони:

а) Темир йўл транспорти орқали - 3.
б) автотранспорт орқали 2 ёки 3 маҳаллий шароитга боғлиқ.

Йилда ишчи суткалар сони (262) беш кунлик иш ҳафтасидан келиб чиқади.

Беш кунлик иш ҳафтаси бўйича иш режимини қуйидагича қабул қиламиз:

а) 2 сменада: 8 соат, ҳамма суткада 16 соат, бундан ташқари 1 соатдан тушлик танаффус;

б) 3 сменада; 1чи ва 2чи сменалар 8 соатдан (бундан ташқари 0,5 соат танаффус); Учинчи смена 7 соат танаффуз. Ҳамма суткада 23 ишчи соат.

Асосий технологик ускуналарнинг йиллик фойдаланиш коэффициенти фонди = 247 : 262 = 0,943.

Корхонанинг иш режими.

Жадвал 2.

| № | Цех номланиши | Йилда сутка сони | Сутка смена сони | Битта смена давоми соат | Йиллик иш вақти фонди | Эксп. вақт фонд коэф | Йиллик эксп. вақт фонди. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Бошлаш цехи. | 262 | 2 | 8 | 4192 | 0,943 | 3953 |
| 2. | Иссиқлик билан ишлов бериш. | 262 | 3 | 8 | 6288 | 0,943 | 3953. |

4. Цех маҳсулдорлигининг маҳсулот тури бўйича ҳисоблаш.

Корхона йиллик дастури ва маҳсулот номенклатураси топшириқда берилади.

Корхонанинг иш режимидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш дастури яроқсиз ва йўқотишларни шобатга

олган ҳолда ишлаб чиқилади

Ишлаб чиқаришдаги йўқотиш ва яроқсиз материаллар темир-бетон заводлари учун қуйидагича тавсия этилади:

– бетон қоришмалари учун – 0,5%.

– буюмлар бўйича – 1,0% гача.

Ҳар бир технологик чегара бўйича ишлаб чиқариш маҳсулдорлиги қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$П_р = \frac{П_о}{1 - \frac{Б}{100}} = \frac{36000}{1 - \frac{1,5}{100}} = 36548 \, м^3$$

бу ерда, $П_р$ – ҳисобий маҳсулдорлик, $м^3$.

$П_о$ – берилган цех маҳсулдорлиги;

$Б$ – ишлаб чиқаришдаги яроқсиз йўқотишлар – 1,5 %.

маҳсулдорлик донада

$$\frac{П_р}{V_{изд}} = \frac{36548}{1,90} = 19236$$ дона тенгга

Цехнинг ишлаб чиқариш
дастури.

Жадвал №3

| Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Йиллик ишлаб чиқариш формуласи кўриниши | Маҳсулдорлик. | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | йилда | сутка | смена | соат |
| Темир-бетон босимсиз қувур. | $м^3$ | $Пр = \frac{П_0}{1 - \frac{Б}{100}}$ | 36548 | 139 | 70 | 8,7 |
| | дона | $Пр / V_{изд}$. | 19236 | 73,4 | 36,7 | 4,6 |

6. Цехнинг материал ва ярим маҳсулотлар миқдорини аниқлаш.

Темир-бетоннинг сифатини асосан тайёрланадиган материалларга боғлиқ.

Темир-бетонни тайёрлаш учун ноорганик боғловчи моддалардан фойдаланилади.

Бу моддалар сув билан аралаштирилганда ички физикавий жараёнлар таъсирида юмшоқ ҳолатидан аста-секин қотиб, мустаҳкамлиги

оша боради. ва тошдек қаттиқ қолатга айланади.

Темир-бетон ишлаб чиқаришда энг кўп қўлланиладиган портландцементдир.

Портландцемент гидравлик боғловчи моддадир, сувда нсуда яхши қотади ёки ҳавода.

Ҳар қандай цементнинг асосий хусусиятини характерловчи исқат учун мустаҳкамлиги ҳисобланади. Цемент маркаси 4x4x16 см ўлчамли, 1÷3 нисбатдаги ва қум қоришмадан тайёрланади, 28 кун давомида 20 ± 2°C ҳароратли сувда қотган ярим балкаларнинг сиқилишдаги мустаҳкамлигига мос келади.

Бетон қоришмасини тайёрлаш учун денгиз ва бошқа шўр сувдан фойдаланиш мумкин.

Бетонда йирик ва майда тўлдирувчилар қўлланилади. Доналари 5 мм дан каттароқ йирик тўлдирувчиларни шағал ва чақилтош турларига ажратилади.

Бетондаги майда тўлдирувчилар табиий ва сунъий қум ҳисобланади.

Донадорлик таркиб тўлдирувчидаги турли йирикликдаги доналар миқдорини кўрсатади. Бу миқдорни тўлдирувчидан олинган намунани тешиклари 0,14÷10 мм ва ундан ҳам йирикроқ стандарт элаклардан ўтказиб аниқланади.

Қумнинг донадорлик таркибини шартли ифодалаш учун Мк йириклик модулидан фойдаланилади. Йириклик модулига кўра қумларни йирик, ўрта, майда ва ўта майда турларга ажратилади.

(Мк = 2,5 - 3,5; 2 - 2,5; 1 - 1,5 элакдаги тўлиқ қолдиқда 0,63 мм 50-75; 30-50; 20-35; 20% дан кам).

# Бетон таркибини ҳисоблаш.

Ҳисоб 1 $м^3$ бетон учун олиб борилади.

Темир бетон босимсиз қувур учун.

Бетон маркаси – 400

Цемент маркаси – 500

Конус чўкмаси – 10÷12 см

Цементни солиштирма оғирлиги – $\rho_ц = 3{,}1 г/см^3$

Цементнинг ҳажм оғирлиги – $\rho_ц^0 = 1{,}3 г/см^3$

Қумнинг солиштирма оғирлиги – $\rho_п = 2{,}6 г/см^3$

Қумнинг уйма ҳажм оғирлиги – $\rho_п^0 = 1{,}4 г/см^3$

Қумнинг ўлчами модули $М_{кр} = 2{,}2$

Щебеннинг солиштирма оғирлиги – $\rho_щ = 2{,}6 г/см^3$

Щебеннинг уйма ҳажм оғирлиги $\rho_щ^0 = 1{,}4 г/см^3$

Щебеннинг заррачалараро бўшлиғи.

$V_{п.щ} = 0{,}4$, яъни 40%.

Щебеннинг донадорлик таркиби

$Д_{наиб} = 20 мм$

1. Сув - цемент нисбати қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$C/Ц = \frac{ARц}{Rб + 0,5ARц} = \frac{0,65 \cdot 500}{400 + 0,5 \cdot 0,65 \cdot 500} = 0,58$$

2. Сув сарфи жадвалдан аниқланади:
С = 215 литр

3. Цемент сарфи қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Ц = С/С/Ц = 215/0,58 = 371 кг$$

4. Щебень сарфи қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Щ = \frac{1000}{\frac{Vп.щ}{\rho щ^{0}} \cdot Kизб + \frac{1}{\rho щ}} = \frac{1000}{\frac{0,4}{1,4} \cdot 1,46 + \frac{1}{2,6}} = 1247 кг$$

5. Қум сарфи қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$K_{q} = \left[1000 - \left(\frac{Ц}{\rho ц} + C + \frac{Щ}{\rho щ}\right)\right] \cdot \rho п =$$

$$= \left[1000 - \left(\frac{371}{3,1} + 215 + \frac{1247}{2,6}\right)\right] \cdot 2,6 = 482 кг$$

Бетон қоришмасининг ҳисобий ҳажми қуйидагига тенг:

$Ц + С + Қ + Щ = 371+215+482+1247 = 2315$ кг/м$^3$

Транспорт харажатларини ҳисоблаганда хом-ашё сарфи 2% ни ташкил этади.

$Ц = 371+371\cdot0,02 = 378$ кг

$С = 215+215\cdot0,02 = 219,3$ кг

$Қ = 482+482\cdot0,02 = 492$ кг

$Щ = 1247+1247\cdot0,02 = 1272$ кг

$А = 80,36+80,36\cdot0,02 = 81,9$ кг

36548 м$^3$ бетон қоришмаси учун хом-ашё материалларини йиллик сарфини аниқлаймиз:

$Ц = 36548\cdot378 = 13815$ т

$Қ = 36548\cdot492 = 17982$ т

$Щ = 36548\cdot1272 = 46489$ т

$С = 36548\cdot219,3 = 8015$ т

$А = 36548\cdot81,9 = 2993$ т

Хом-ашё материалларини сарфи

жадвал №4.

| № | Хом ашё ва ярим маҳсулот номи | Ўлч бир-лиги | Сарфланиши: | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | соатда | сменада | суткада | йилда |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 1. | Цемент | т | 3,3 | 26,4 | 52,7 | 13815 |

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 2 | Қум | т | 4,3 | 34,3 | 68,6 | 17982 |
| 3 | Щебень | т | 11,1 | 88,7 | 177 | 46489 |
| 4 | Сув | л | 1,9 | 15,3 | 31 | 8015 |
| 5 | Арматура | т | 0,71 | 5,7 | 11,4 | 2993 |

## 6. Технологик линиясини лойиҳалаш.

Қолиплаш цехида асосий технологик асбоб-ускуналарни жойлаштириш, бутун ишлаб чиқариш линиясини унифицирланган типдаги пролётдан иборат ҳолда режада ўлчами 144х18 м бўлган саноат биноси назарда тутилади.

Катта узунликдаги ва энли пролётли саноат биноларидан фойдаланиш, консультант қурувчи билан келишилган ва асосланган ҳолда қабул қилинади.

Қолиплаш цехида қутидонлар жойлаштирилади, қолипларни тайёрлаш постлари, бетонни жойлаштириш ва зичлаш, қолипдан бўшатиш, таъмирлаш,

сўндириш, ушлаб туриш ва пардозлаш ва иссиклик билан ишлов бериш камералари эгаллаган майдон, арматура буюмлари ва деталлар захира омбори, қолипларни таъмирлаш, майдони, қолиплар захираси, йиғиштириб тикиш ва пардозлаш постлари, қишки вақтда буюмларни иссиклик намлик билан ишловидан сўнг сақлаш майдони.

## Қолиплаш линиясини маҳсулдорлигини ҳисоблаш.

Агрегат - поток линиясини ишлаб чиқаришни ҳисоблаш.

Агрегат - поток линиясининг йиллик ишлаб чиқариш маҳсулдорлиги қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P = \frac{60 \cdot h \cdot c \cdot r}{t}, \quad (м^3)$$

$$P = \frac{60 \cdot 16 \cdot 262 \cdot 1,90}{20} = 23894,4$$

бу ерда, h - сутқада ишчи соатлар сони.
с - йилда ишчи кунлар.

V – бир вақтда юкланувчи буюмлар-нинг ҳажми, м$^3$.

t – юклаш цикли, мин.

Технологик линиялар сони қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\frac{\Pi p}{P} = \frac{36548}{23894,4} = 1,5 \approx 2 \text{ линия}$$

Ҳисоб бўйича 2 та линия қабул қиламиз.

## 7. Иссиқлик билан ишлов бериш камералари сони ва керакли юклар сонини ҳисоби.

Циклик ишловчи камералар.

Цехнинг бита пролётида барча иссиқлик – намлик билан бериш камералари жойлаштириш ва бир хил ўлчамли бўлиши керак.

Камералар ўлчамларини белгилаганда, унинг чуқурлиги 2.8 м дан ортмаслиги керак, ёки балондлик сабабли ҳароратни йўқотмаслиги учун ўрнатилади. Ўра камераларида буюмлар юклар билан биргаликда

бир-бирига устма-уст 4-6 ярус-
да қўйиб чиқилади. Бунда
буюмнинг юқори оғиз қисмини
бузилмаслиги, иссиқлик элтувчи-
га йўл очилиши керак, қолиплар
орасига 5-7 см ли қистирмалар
қўйилади.

Агар буюмлар камерада рама
бўйича 2 ёки 3 қатор қўйилса,
у ҳолда камералар ўлчамлари
буюмнинг умумий хажмидан
келиб чиқиб 18-20 м³ танланади.

Ҳар бир бўшаган камералар-
ни тўлдириш муддатини қисқар-
тириш мақсадида шу цех
пролётидаги барча қолиплаш
постларида буюмлар билан
камералар тўлдирилади.

Ўра камераларининг ётарли
сонини ҳисоблашда камеранинг
ўртача айланишини аниқлаш зарур.

Ўра камераларининг айланиш
ўртача давомийлиги (Тк)
жадвалдан аниқланади, бунда

иссиқлик билан ишлов бериш давомийлиги (S) ва камерани тўлдириш цикли ($t_к$) инобатга олинади.

Камерани тўлдириш вақти (мин) аниқланади:

2та постдан тўлдириш.

$$t_к = \frac{t \cdot m}{2} = \frac{20 \cdot 6}{2} = 60 \text{ мин}$$

бу ерда, $t$ – қолиплаш цикли (мин)
$m$ – камерага жойлаштириладиган қолиплар сони;
$S$ – иссиқлик билан ишлов бериш давомийлиги.

Агрегат-поток ишлаб чиқаришда керакли ўра камералари сони аниқланади: $T_к = 22$ мин $S = 15$

$$M = \frac{60 \cdot h \cdot T_к}{24 \cdot t \cdot m} = \frac{60 \cdot 16 \cdot 22}{24 \cdot 20 \cdot 6} = 7{,}3 \approx 8 \text{ дона}$$

Ҳисоб бўйича 8 та ўра камера қабул қиламиз.

## Қолипга бўлган талаблар сони.

Агрегат - поток ишлаб чиқаришда керакли қолиплар сони камеранинг айланиш ўртача давомийлигидан аниқланади:

Қолипнинг битта айланиш ўртача вақти,

$$T_ф = T_к + \frac{t}{60} + \frac{\Sigma T_ф}{60} = 22 + \frac{20}{60} + \frac{60}{60} = 23,3 \text{ соат}$$

бу ерда,

$\Sigma T_ф$ - қолипнинг бошқа постларга келиш вақти (бунга қолипдан бўшатиш, тозалаш, арматура қўйиш, бунда бетон қўйишдан ташқари);

Битта агрегат - поток линияси учун керакли қолиплар сони, ўра камералари билан таъминланган ҳолда қуйидаги формуладан аниқланади:

$$N = 1,05 \cdot \frac{60 \cdot h \cdot T_ф}{24 \cdot t} = 1,05 \cdot \frac{60 \cdot 16 \cdot 23,3}{24 \cdot 20} = 48,9 \approx 49$$

бу ерда, 1,05 - таъмирлаш учун кетадиган вақт коэф.

Қолиплар сонини 50 дона ҳисоб бўйича қабул қиламиз.

## 8. Технологик асбоб-ускуналарни танлаш ва ҳисоблаш.

Бу бўлимда асбоб-ускуналарнинг фақат технологик ҳисоби, машиналарнинг алоҳида қисмларини конструктив ҳисобисиз берилади.

### Корхонанинг асбоб-ускуналар рўйхати.

| Т/р | Асбоб-ускуналарнинг номи ва қисқача тавсифи | Ўлчов бирл. | Сони | Изоҳ. |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Қолиплар | дона | 50 | |
| 2. | Роликли центрафуга | дона | 2 | |
| 3. | Бетон ётқизгич лентали питатель билан | дона | 2 | |
| 4. | Қувур қарноқларини тайёрлаш учун ускуна. | дона | 2 | |
| 5. | Контовотель | дона | 4 | |
| 6. | Кўприкли кран. | дона | 2 | |
| 7 | Ўзи юрар арава | дона | 1 | |

## 9. Цемент омборини ҳисоби.

Бетон қорувчи цех ва заводлар цементларни сақлаш учун силос туридаги омборхоналар билан жиҳозланади. Улар алоҳида 5-10 м диаметрли силослардан ташкил топади, сиғими 25-1500 м ва ундан ортиқ металл ёки темир-бетондан тайёрланади.

Майда қурилмалар учун сиғими 10-20 м швентар силослар қўлланилади. Силослар сони омборхонанинг сиғимига қараб ошириб борилади, қайсики ўз вақтида қабул қилинган ҳисобий захирага ва завод қувватига нисбатан аниқланади. Ҳамда бўйича мўлжалланган цементни захираси корхонанинг 6-10 кеча кундузлик талабидан келиб чиқиб қабул қилинади.

Омбор сиғимини аниқлашда цемент миқдори қуйидаги формула

асосида аниқланади:

$$N_{цем} = П_г \cdot Ц \cdot З_ц \cdot 1,04 / 0,9 \cdot c \ (т)$$

бу ерда, $П_г$ – корхонанинг йиллик маҳсулдорлиги, м³.

$З_ц$ – омбордаги цемент захираси, суткада;

1,04 – юклашда ва транспорт жараёнларда йўқотиш коэф.

0,9 – цементни сақлаш учун сиғимни тўлиш коэф.

С – йилда иш кунлари сони;

Ц – 1 м³ маҳсулот учун ўртача цемент сарфи.

$$N_{цем} = 36548 \cdot 0,371 \cdot 7 \cdot 1,04 / 0,9 \cdot 262 = 419 т$$

Цементнинг ҳисобий миқдорини 480 т деб қабул қиламиз. Силослар сони 4 та. Ҳар битта силоснинг ҳажми $N_{цем} = 105 т$ дан иборат. Силосда 2 та шнеги ишлайди.

## 10. Тўлдирувчилар омборини ҳисоби.

Темир-бетон буюмлар ишлаб чиқариш корхоналардаги тўлдирувчилар омбори транспорт тури, қабул усули, тўлдирувчиларни сақлаш ва узатишдан келиб чиқиб турли типда бўлади.

Тўлдирувчилар омбори тўлдирувчиларни сақлаш ва жойлаштириш усулига боғлиқ равишда очиқ ёки ёпиқ штабел, ярим бункер ва силос типда қурилади.

Штабел ва ярим бункер омборлар эстакадалар, ер ости галереялари билан жиҳозланади.

Омборларда тўлдирувчи материалларни норматив заҳираси 5-10 суткада етадиган тартибда қабул қилинади. 1 $м^3$ оғир бетон учун тахминан 0,45 $м^3$ қум ва 0,9 $м^3$ шағал ёки чақиқтош талаб этилади, енгил бетон учун

эса 0,55 $м^3$ қум ва 0,8 $м^3$ шағал ёки чақиқтош ишлатилади.

Фракцияланган тўлдирувчиларни бетонда қўллашда тузатиш коэффициенти киритилади.

Тўлдирувчилар омборининг сиғими қуйидаги формула бўйича аниқланади.

Қум учун $N_П = П_Г \cdot П \cdot З_П \cdot 1,04/0,9 \cdot С$ ($м^3$).

$N_П = 36548 \cdot 0,45 \cdot 7 \cdot 1,04/0,9 \cdot 262 = 508$ $м^3$

Шағал учун $N_Щ = П_Г \cdot Щ \cdot З_Щ \cdot 1,04/0,9 \cdot 262$ ($м^3$)

$N_Щ = 36548 \cdot 0,9 \cdot 7 \cdot 1,04/0,9 \cdot 262 = 1016$ $м^3$

Бу ерда, $П_Г$ - корхонанинг йиллик маҳсулдорлиги, $м^3$.

П - қум сарфи - 0,45 $м^3$

$З_Щ$ ва $З_П$ - омбордаги қум ёки шағал захираси, суткада;

1,04 — маҳсулот йўқотишларини ҳисобга олувчи коэффициент.

0,9 - омборни тўлдириш коэффициент.

Щ - шағал сарфи 0,9 - $м^3$.

Тўлдирувчи штабелининг нисбий баландлиги эстакада ёрдамида 40° қиялик бўйича юклашда 12 м ташкил этади.

Темир-йўл вагонлардан тўкдирув-
чиларни ҳаракатланувчи машинада
тўкилиш штабел баландлиги
4-6 м қабул қилинади.

Тўкдирувчилар омборини умумий
майдони қуйидаги формула
бўйича аниқланади.

$$S_{скл} = S_п \cdot K_п = 672 \cdot 1,5 = 1008 м^2$$

бу ерда, $S_п$ – омборнинг фойдали
майдони бўлиб, у барча штабел-
нинг юзаси йиғиндисига тенг, $м^3$.
$K_п$ – омбор майдонини усқуналар
қўйиш ва йўлаклар очиш ҳисоби-
га катталашувини нисбатга олувчи
коэффициент ($K_п = 1,4 \div 1,5$)

## 11. Бетон қориш цехининг ҳисоби.

Темир бетон маҳсулотлари
заводларида бетон қорувчи бўлин-
малар кўпинча вертикал схема
бўйича материалларни сарф
бункерига етказиш учун
комплектланади.

Цех биноси баландлиги 25-30 м га етади. Материаллар бункер устидаги қия ўрнатилган лентали конвейер ёрдамида узатилади. Тўлдирувчиларни узатишда айланадиган воронкалардан фойдаланади, цемент ва бошқа кукунсимон материаллар учун шнеклар ва пневматик транспортлардан фойдаланилади. Кейинги қаватда ҳавони цемент чангидан тозалаш учун циклонлар ва газламали фильтрлар ўрнатилади.

Сарф бункерлар отсекларга бўлинади. Йирик тўлдирувчилар учун одатда 3 отсек майда тўлдирувчилар учун 2 отсек мўлжалланади.

Сочилувчи материалларнинг ярим силжиши учун бункер таги қиялик бурчак табиий қияликдан каттароқ қилиб бажарилади. Уларни асосан ҳамда бўйига 55-60° дан кам бўлмаган ҳолда қабул қилинади.

Сарф бункеридан материаллар заҳираси одатда тўлдирувчилар учун 1-2 соатга, цемент учун 2-3 соат қабул қилинади.

Бетон қоришмасининг қуруқ компонентлар миқдорловчилари тарозили бункер отсекларидан ортилган. Сув миқдорловчи устига ўрнатилган бакдан келади, водопровод магистралидан бак тўлдирилади.

Йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш корхоналарида периодик ҳаракатланувчи материалларнинг эркин тушишда ишловчи ва аралаштирувчи стационар бетон қоргичлар ишлатилади.

Бетон қоргичнинг маркаси уларнинг асосий характеристикаларини ҳисобга олиб танланади: тайёр аралашма ҳажми, аралашма миқдори, аралаштириш усули, тўлдирувчиларнинг йириклигига ва бошқаларга.

Бетон қорғичнинг соатдаги маҳсул-
дорлиги қуйидаги формула
бўйича аниқланади:

$$Q_{ч} = V \cdot П_з \cdot K_в \cdot K_и \cdot m / 1000 \ (м^3/соат)$$

бу ерда:

$V$ - аралаштириш барабанининг сиғими.

$K_в$ - вақтдан фойдаланиш коэффициенти - 0,91.

$K_и$ - узатишнинг нотекислиги ҳисобга олувчи коэф - 0,8;

$m$ - бетон қориш машинаси чиқиш коэф - 0,65 ÷ 0,7;

$П_з$ - соатда аралаштиришлар сони.

Сиғими 325 литр ва ундан юқори бетон аралаштиргичларда аралаштириш сони ($П_з$) бир соатда:

- мажбурий аралаштириш - 20;
- қаттиқ аралашмали гравитацион аралаштириш - 15;
- енгил тўлдирувчилари гравитацион аралаштириш - 15;
- силикат ва ячейкали қоришмалар - 10;

- ҳаршилар – 30.

$Q_ч = 500 \cdot 20 \cdot 0{,}91 \cdot 0{,}8 \cdot 0{,}67/1000 = 4{,}9$ м³/соат

Бетон чекишинг йиллик маҳсулдорлиги қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$Q_г = Q_ч \cdot T_{см} \cdot N \cdot T_ф \ (м^3)$$

бу ерда,

$Q_г$ – бетон беришнинг соатдаги маҳсулдорлиги, м³/с;

$T_{см}$ – сменадаги иш вақти, соат;

$N$ – сменалар сони.

$T_ф$ – асбоб-ускуналарнинг йиллик ишлаш фонди – 247 сутка.

$$Q_г = 4{,}9 \cdot 8 \cdot 2 \cdot 247 = 19365 \ м^3$$

## 12. Тайёр маҳсулотлар омбори ҳисоби.

Темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш корхоналаридаги тайёр маҳсулотлар омбори техник назорат бўлимидан ўтган маҳсулотларни истеъмолчига темир йўл ёки автотранспорт орқали жўнатишга сақлаш учун қурилади. Йилнинг иссиқ фаслида омбордан буюмни иссиқлик-намлик ишловини қисқартириш учун фойдаланилади.

Тайёр маҳсулотлар омбори тармоқга тизма ёғоч ва метал кассеталар кириб, уларда вертикал ёки тик ҳолатда йирик ўлчамли панеллар сақланади, индивидуал ёки гуруҳ ҳолатда буюмларни сақлаш учун кондукторлар ва темир-бетон буюмларни йириклаштириб йиғиш инвентор қистирмалар, ағдарувчи, траверсалар, тагликлар ва бошқалар киради.

Штабелланган буюмларнинг

баландлиги - пайда 1,6 м, тирик - 3 м.

Буюм штабеллари орасидаги масофа 20 см, ҳар икки штабел орасидаги йўлаклар - 0,7 ÷ 1 м ва битта марказий йўлак - 1,5 м

Тайёр маҳсулотлар омбори майдони қуйидаги формула орқали аниқланади;

$$A = Q_{сут} \cdot T_{хр} \cdot k_1 \cdot k_2 / Q_н \ (м^2)$$

$$A = 139 \cdot 10 \cdot 1,5 \cdot 1,3 / 1 = 2711 \ м^2$$

бу ерда, $Q_{сут}$ - суткада тушадиган буюмлар сони, $м^3$.

$T_{хр}$ - буюмларни сақлаш давомийлиги - 10 ÷ 14 сутка.

$k_1$ - 1,5 м йўлаклар юзасини ҳисобга олувчи коэф.

$k_2$ - кран турига боғлиқ ҳолда омбор майдонини кенгайишини ҳисобга олувчи коэф.

- кўприк крани - 1,3.
- минорали кран - 1,5
- тирганли кран - 1,7.

Қовурғали плита ҳисоби.

Лойиҳалаш учун вазифа. Саноат биноларининг том ёпмалари мўлжалланган қовурғаларни ҳисоблаш ва конструктив лойиҳалаш талаб қилинади. Номинал ўлчамларини 6,3х12 м ўлчамда қабул қиламиз. Том ёпма панелига таъсир қилувчи доимий юклар 1-жадвалда келтирилган. Вақтинчалик норматив (меъёрий) юк 7000 Н/м² ни, узоқ муддатли таъсир этувчи юк 5000 Н/м² ни ташкил этади. Ишончлилик коэффициенти $\gamma_n = 0,95$ Панел қовурғалари А-IV классли (синф) пўлат стерженли арматуралардан пайвандлаб тайёрланган каркаслар билан арматураланади, плита эса Вр-I классли симлардан пайвандлаб тайёрланган тўрлар билан арматураланади.

Панел учун В25 классли (синф) бетон қўлланади.

Саноат (ишлаб чиқариш) биноларининг қаватлараро томларига таъсир кўрсатувчи юклар.

Жадвал №1

| Юк тури | Норматив юк Н/м² | Юк бўйича ишончлилик коэффициенти | Ҳисобий (ҳисобланган) юк Н/м² |
|---|---|---|---|
| Доимий юклар: | | | |
| $t$ = 15мм (қалинлиги $\rho$ = 2000кг/м³ бўлганда плиткали полдан тушадиган юк; | 300 | 1,1 | 330 |
| қалинлиги $t$ = 20мм, $\rho$=2000 бўлган текисловчи цемент қатламдан тушадиган юк; | 400 | 1,3 | 520 |
| қалинлиги $t$ = 60мм ; $\rho$=1600 бўлган шлакобетонли плитадан тушадиган юк; | 960≈1000 | 1,2 | 1200 |
| келтирилган қалинлиги $t$=100 мм, $\rho$=2500 бўлган темир-бетон панелдан тушадиган юк | 2500 | 1,1 | 2750 |
| Жами: | $g^n$ = 4200 | — | $g$ = 4800 |
| Вақтинчалик: | | | |
| қисқа муддатли $P_{cd}$ | 3000 | 1,2 | 3600 |
| узоқ муддатли $P_{ld}$ | 5000 | 1,2 | 6000 |
| Жами: | $p^n$ = 8000 | | $p$ = 9600 |
| Тўлиқ юк | $g^n+p^n$=12200 | | $g+p$=14400 |

Ҳисоблаш. Ҳисоблаш учун зарур бўлган маълумотлар (А.П. Мандриков „Примеры расчета железобетонных конструкций") В25 классли бетон учун бериладиган маълумотлар: $R_b = 14,5$ МПа; $R_{bt} = 1,05$ МПа, $\gamma_{b2} = 0,9$; $R_{b.ser} = 18,5$ МПа; $R_{bt.ser} = 1,6$ МПа, $E_b = 27 \cdot 10^3$ МПа, А-IV классли арматура учун бериладиган маълумотлар: $R_s = 510$ МПа (10 ÷ 40 диаметрли стерженлар учун) ва ($R_s =$ МПа) (6 ÷ 8 мм диаметрли стерженлар учун), $R_{sw} = 405$ МПа, $E_s = 19 \cdot 10^5$ МПа; диаметри 5 мм, класси Вр-I бўлган арматура учун; $R_s = 360$ МПа, $R_{sw} = 260$ МПа ва $E_s = 17 \cdot 10^5$ МПа

Кучланишларни ва юкларни аниқлаш. Эни 1,2 м бўлган панелнинг м узунлигига тушадиган (таъсир қиладиган) юклар: доимий норматив (меъёрий) $q^n = 4200 \cdot 1,2 = 5100$ доимий ҳисобий $q = 4800 \cdot 1,2 = 5760$ вақтинчалик норматив (меъёрий) $p^n = 8000 \cdot 1,2 = 9600$; ҳисобий $p = 9600 \cdot 1,2 = 11500$, шу жумладан вақтинчалик узоқ муддатли норматив (меъёрий) $p^n_{ld} = 5000 \cdot 1,2$; вақтинчалик узоқ муддатли ҳисобий $p_{ld} = 5000 \cdot 1,2 \cdot 1,2 = 7200$ қисқа муддатли норматив

$P^n_{cd} = 3000 \cdot 1,2 = 3600$ ; қисқа муддатли ҳисобий

$P_{cd} = 3000 \cdot 1,2 \cdot 1,2 = 4320$ Н/м.

Прогоннинг эни $b = 20$ см бўлганда панелнинг ҳисобий узунлигини:

$$l_0 = l - b/2 = 6,3 - 0,2/2 = 6,2 \text{ м}$$

Панелнинг ҳисоблаш схемаси тавр шаклидаги кўндаланг кесими, бир текис тақсимланган юклар таъсири остида бўлган эркин тарзда таянадиган балкани ўзида намоён этади.

Ҳисоблаш зарур бўлган эгувчи моментларини аниқлаймиз: тўлиқ ҳисобий юк таъсиридан ҳосил бўладиган эгувчи момент

$$M = q l_0^2 \gamma_n / 8 = (5760+11500) 6,2^2 \cdot 0,95/8 = 78788 \text{ Нм}$$

тўлиқ норматив (меъёрий) юкдан ҳосил бўладиган эгувчи момент

$$M^n = (5100+9600) 6,2^2 \cdot 0,95/8 = 67102 \text{ Нм}$$

доимий ва узоқ муддатли вақтинчалик норматив (меъёрий) юклардан ҳосил бўладиган эгувчи момент

$$M^n_{ed} = (5100+6000) 6,2^2 \cdot 0,95/8 = 50669 \text{ Нм}$$

қисқа муддатли норматив (меъёрий) юкдан ҳосил бўладиган момент

$$M^n_{ed} = 3600 \cdot 6,2^2 \cdot 0,95/8 = 16433 \text{ Нм}$$

Максимал ҳисобий кўндаланг куч

$Q = q l_0 \gamma_n / 2 = 17260 \cdot 6,2 \cdot 0,95/2 = 50831 Н$

бу ерда, $q = 5760 + 11500 = 17260$ Н/м

Панелнинг кесимини (кўндаланг кесимини) олдиндан аниқлаш.

Панел кесимининг баландлигини мустаҳкам ва бикрликни таъминлаш шартидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги формула бўйича топамиз:

$$h = c l_0 \frac{\theta g^n + p^n}{q^n} \frac{R_s}{E_s}$$

$$h = \frac{R_s}{E_s} \frac{\theta g^n + p^n}{q^n} \gamma_n = 30 \cdot 620 \frac{510}{19 \cdot 105} \frac{1,5 \cdot 9200 + 3000}{12200} \cdot 0,95 = 48,4 см$$

бу ерда, полкаси сиқилган зонада бўлган қовурғали панел учун

